



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG'I

20 21 yil "02" 04

№ 65

Toshkent sh.

#### **Коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган беморларни дори воситалари билан таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг 2021 йил 22 мартдаги 67-сонли йиғилиш баёнига асосан пандемия даврида коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган беморларга қўлланиладиган дори воситаларининг эҳтиёжини шакллантириш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган захирасидан ажратиш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган захирасидан дори воситаларининг ажратилишини инобатга олиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шифохоналарга дори воситаларини харид қилиш учун тегишли қўрсатмаси мавжуд бўлмаса, коронавирус инфекцияси билан касалланган ва унга гумон қилинган беморларни даволашга мўлжалланган шифохоналар (кейинги ўринларда – шифохоналар) томонидан дори воситаларини харид қилиш тўхтатилсин.

2. Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш бошқармаси (А. Сидиков):

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган захирасидаги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари шифохоналаридаги дори воситаларининг қолдиғини инобатга олган ҳолда, бир ҳафта муддатда, республика кесимида эҳтиёжини шакллантирсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган захирасидаги дори воситаларини, шифохоналар талабнома хатларига, ахоли сонига ва келгусида коронавирус инфекциясига чалиниши кутилаётган беморларнинг статистик маълумотларига нисбатан, тегишли бошқармалар билан келишилган ҳолда тақсимотини шакллантирсин;

шифохоналар томонидан асосланган талабнома хати билан дори воситалари сўралганда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган захирасидан ушбу дори воситалари мавжуд бўлмаган ҳолларда, талабнома хати ўрганиб чиқилсин ва шифоҳонага ўрнатилган тартибда харид қилиш учун тегишли кўрсатма берилсин.

### 3. Шифохоналар раҳбарлари:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказлашган захирасидан дори воситаларининг ажратилиши учун асосланган талабнома хати тақдим этилсин;

тақсимотга асосан ажратилган дори воситаларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган захираси омборхонасидан олиб кетилишини, мақсадли ишлатилишини назоратга олсин ва ҳар ҳафтанинг душанба куни соат 12:00 га қадар дори воситаларининг қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиб борсин.

### 4. Республика махсус “1-сон Зангиота” ва “2-сон Зангиота” шифохоналари раҳбарларига:

шифоҳонага мурожаат қилиб келган коронавирус инфекцияси енгил кечаётган беморларга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказлашган захирасидан ажратилган дори воситалари тўпламидан (Аптечка) амбулатория шароитида даволаниш учун ажратиш;


ажратилган дори воситалари тўпамининг (Аптечка) чиқимини иловада келтирилган жадвалга асосан амалга ошириш;

амбулатория шароитида даволаниши учун дори воситалари тўплами (Аптечка) ажратилган беморлар тўғрисидаги кунлик маълумотларни яшаш манзили бўйича Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (З. Гулямов) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган захирасидаги дори воситаларининг кирим-чиқим ҳисоботини олиб борсин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Хаджибаев

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021  
йил 02 мартдаги  сонли буйруғига  
илова

№	Дори воситалари (Аптечка) олган беморнинг Ф. И. Ш	Беморнинг имзоси	Беморнинг тўлиқ манзили	Беморнинг телефон рақами	Берилган сана	Дори воситалари тўпламини (Аптечка) берган ходимнинг имзоси
1						
2						
3						